

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
X U K M
Protected by PDF Anti-Copy Free

2021 йил июль ойининг 08 куни жиноят ишлари бўйича [REDACTED] шаҳар суди ўз биносида, ошқ суд мажлисида, шу суднинг судьяси Ф.А.Закиров раислигида, суд хизматчиси Х.Орифова, Р.Мавлонованинг котиблигида, тарафларда Давлат айбловчиси [REDACTED] шаҳар прокурорининг катта ёрдамчи Холматов, судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси “ANUSH-ADOLAT-HIMOYA” адвокатлик бюроси адвокати А.Я.Хусаиновнинг иштирокида, [REDACTED] га нисбатан [REDACTED] жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

[REDACTED] 11.10.1982 йилда [REDACTED] туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, оилали, 4 нафар фарзанди бор, маълумоти олий, [REDACTED] тумани 12-сонли умумий ўрта таълим мактаби директори, муқаддам жиноят ишлари бўйича [REDACTED] шаҳар судининг 2003 йил 28 мартдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 118-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилиб, 3 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 72-моддасига асосан тайинланган жазо шартли ҳисобланиб, 1 йил синов муддати белгиланган, [REDACTED] тумани, [REDACTED] водий м.ф.й., [REDACTED] кўчаси, рақамсиз уйда яшовчи, “гаров” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосасини 15.06.2021 йилда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 228-моддаси 2-қисмининг “б” банди, 228-моддаси 3-қисми биланайбланган.

Суд, судланувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, иш ҳужжатларини тафтиш қилиб, тарафларнинг музокара нутқи ва судланувчининг охириги сўзларини тинглаб, йиғилган далилларга ҳуқуқий баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи [REDACTED] 2000-2001 ўқув йилида Тошкент вилояти Давлат педагогика институтига ўқишга қабул қилиниб, 2004 йил 12 январь куни 14Т-сонли буйруқ билан талабалар сафидан ўчирилгандан сўнг, шахсини аниқлашни имкони бўлмаган номаълум шахс билан жинойий тил бириктириб, мазкур олий ўқув юртига қайта тикланмаганини ва 2004 йил июнь ойида олий ўқув юртини тамомлаш давлат аттестация имтихонларини топширмаганини била туриб, қалбаки ҳужжатлар тайёрлаш мақсадида, 2004 йил 01 июль

куни муайян ҳуқуқ берадиган, расмий ҳужжат ҳисобланган Тошкент вилояти Давлат Педагогика институтини “Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият фаолияти” йўналишини буйича тамомлагани ҳақидаги В (Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark) бакалавр даражасидаги дипломни қалбакилаштиришган.

Судланувчи [REDACTED] баки дипломни 12-сонли умумтаълим мактаби раҳбариятига тақдим қилиб, диплом қалбаки эканлигини била туриб, ушбу сохта дипломдан фойдаланиб, 02.09.2004 йилда [REDACTED] туманида жойлашган 12-сонли умумтаълим мактабига жисмоний тарбия фани ўқитувчиси лавозимига тайинланган.

Тошкент вилояти Давлат Педагогика институтининг 2004 йилда дипломларни рўйхатга олиш китобида “Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият” йўналиши буйича [REDACTED] рақами билан рўйхатга олинган [REDACTED] серияли бакалавр дипломи қайд этилмагани, мазкур рўйхатга олиш китобида [REDACTED] рақами билан “Ўзбек филологияси таълим” йўналиши буйича [REDACTED] га В [REDACTED] серияли бакалавр дипломи берилганлиги аниқланган.

Бундан ташқари [REDACTED] муайян ҳуқуқ берадиган, расмий ҳужжат ҳисобланган ҳужжатларни такроран қалбакилаштириш ҳамда аввалги сохталаштирилган бакалавр даражасидаги дипломни ғайриқонуний равишда қонунийлаштириш мақсадида 24.05.2014 йилда [REDACTED] туманидаги “[REDACTED] овози” номли ижтимоий-сиёсий газетасига гўёки 01.06.2004 йилда Тошкент вилояти Давлат Педагогика институти томонидан унга берилган бакалавр даражасидаги дипломи йўқолганини маълум қилиб, сохта В № [REDACTED] серияли дипломи ва ўзи томонидан ҳақиқатдан ҳам мазкур олий ўқув юртини 2004 йилда тамомлаганлиги ҳақидаги сохта ҳужжатлар асосида 06.06.2014 йилда Тошкент вилояти Давлат Педагогика институтидан В № [REDACTED] серияли дубликат бакалавр даражасидаги дипломни олишга эришган.

[REDACTED] шаҳар давлат архивининг 25.01.2021 йилдаги 01-24/32-сонли жавоб хатига кўра, Тошкент вилояти Давлат Педагогика институти томонидан фуқаро [REDACTED] номига рўйхат рақами 4120 В № 682329-серияли дубликат бакалавр дипломи бериш учун асос бўладиган ҳужжатлар [REDACTED] шаҳар давлат архиви сақловига келиб тушмаганлиги аниқланган.

[REDACTED] ўзининг жинойий ҳаракатларини давом эттириб, Тошкент вилояти Давлат Педагогика институтини 2004 йилда тамомлаганлиги ҳақидаги сохта ҳужжатлар асосида 06.06.2014 йилда Тошкент вилояти Давлат Педагогика институтидан В № 682329 серияли дубликат бакалавр даражасидаги дипломни қалбаки эканлигини била туриб, ушбу сохта дипломдан фойдаланиб, [REDACTED] тумани 12-сонли умумтаълим мактабига тақдим этиб, мазкур мактабининг жисмоний

тарбия фани ўқитувчиси, 2017 йил 08 июнь кунидан мазкур мактаб директори лавозимида ишлаб келган.

Судда сўралган судланувчи [REDACTED] айбиغا қисман иқдор бўлиб, дастлабки терговдаги кўрсатувларини тасдиқлашини, ҳақиқатдан ҳам 2000 йил Тошкент вилоят давлат педагогика институтининг “Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият йўналиши бўйича грант асосида ўқишга қабул қилинганини, 2004 йил [REDACTED] январь ойининг бошларида қишки семестрни топшира олмаганини, [REDACTED] Тошкент вилоят давлат педагогика институтининг 4-босқич талабалигидан 2003/2004 ўқув йилининг биринчи семестрида дарсларни ўзлаштира олмаганлиги сабабли четлатилганини, институтда Ф-43 сонли гуруҳда ўқиганини, ўқишдан четлатилгач, шундан сўнг 2004 йил июнь ойларида қолиб кетган фанлардан имтиҳонларни топширганини, у ўқишга тикланган-тикланмаганлигини билмаслигини, ўқишга тиклангани ҳақида бирон бир буйруқни кўрмаганини, бундай буйруқ бор ёки йўқлигини ҳам билмаслигини, имтиҳонларни қайта топшириш учун институт ректорининг буйруғи кераклиги ҳақида билмаганини, ўқишга тикланган тақдирда ҳам кейинги ўқув йилида ўқиб, имтиҳонларни қайта топшириши кераклигини билмаслигини, 2004 йил июнь ойининг ўрталарида Тошкент вилояти педагогика институтида давлат имтиҳонини топширганини, имтиҳонларни топширган вақтида ҳеч ким унга нимага имтиҳон топшираётганини сўрамаганини, имтиҳонлардан уни ҳеч ким чиқариб юбормаганини, ҳеч ким уни имтиҳонлардан чиқариб юбормагани учун имтиҳонларни топшираверганини, июль ойининг охирларида [REDACTED] сонли рақам билан берилган “Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият” йўналишидаги бакалавр дипломини Тошкент вилояти педагогика институтининг кадрлар бўлимида бўлган дипломлар тарқатиш бўйича масъул ходимларидан олганини, айнан кимдан олганини эслаб олмаслигини, унинг аёл киши эканини, лекин исми-шарифини билмаслигини, нима сабабдан унинг фамилияси ва исми диплом бериш рўйхатига қўшилмаганини билмаслигини, уни ўқишга тиклашга ректор буйруғи чиқарилмаганлиги сабабли унинг фамилиясини ушбу рўйхатга қўшилмаган деб ўйлашини, дипломини олганидан кейин [REDACTED] туманида жойлашган 12-сонли мактабга келганини, бу ерда 12-сонли мактаб собиқ директори, мархум [REDACTED] Жисмоний тарбия ўқитувчилигига ишга олганини, 2014 йил тахминан январь ойининг ўрталарида уйда сақлаб келган бакалавр дипломини йўқотиб қўйгани сабабли ўзи ўқиган Тошкент вилояти давлат педагогика институтига бориб, кадрлар бўлими дипломлар назоратидаги масъул ходимларига дипломини йўқотиб қўйганлигини айтганини, улар яшаш жойидаги туман ИИБдан дипломи топилмалар идорасидан топилмагани ҳақида маълумотномаси ва туманидаги бирор газетага эълон берилиши кераклиги, ва яна қандайдир ҳужжатларни сўрашганини, айтилган ҳужжатларни тайёрлаб, 2014 йил май ойида Тошкент вилояти давлат педагогика институтидаги кадрлар бўлимининг дипломлар билан ишлаш бўлимига ҳужжатларни тақдим

қилганини, орадан тахминан икки ой ўтгач, дипломи тайёр бўлгани ҳақида айтишганини, 4120-сон тартиб рақамли 682329-сонли “Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият” йўналиши бўйича дипломни олганини, дипломни олиб, [REDACTED] (Upgrade to Pro Version to Remove this Watermark) давом эттирганини, 2017 йил 7 июнь куни 12-мактабда директорлик лавозимига тайинланганини, ҳозирги [REDACTED] қадар директор лавозимида ишлаб келаётганини, мактабда дарс [REDACTED] вақтида ҳар йили ўқув дарслари тасдиқланган вақтида дипломни асл нусхаси туман молия бўлимига тақдим этилишини, охириги мартта 2018 йилда дипломини асл нусхасини тақдим этганини, орадан 4 йил вақт ўтганини, ундан сўнг ҳеч кимга дипломини асл нусхасини тақдим қилмаганини, Тошкент вилояти Давлат Педагогика институтининг 2004 йилда дипломларни рўйхатга олиш китобида “Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият” йўналиши бўйича [REDACTED] сонли рақами билан рўйхатга олинган [REDACTED] серияли бакалавр дипломи қайд этилмагани сабабини билмаслигини, Тошкент вилояти Давлат Педагогика институтининг 2004 йилда дипломларни рўйхатга олиш китобида [REDACTED]-сонли рақами билан “Ўзбек филологияси таълим” йўналиши бўйича [REDACTED] га [REDACTED] серияли бакалавр дипломи берилгани сабабини изоҳлай олмаслигини, у дипломни қалбакилаштирмаганини, дипломини қонунда белгиланган тартибда олганини, дипломни олиш учун ҳеч кимга моддий қимматлик бермаганини, дипломи қалбаки эканлигини умуман билмаганлигини, дипломини қалбакилаштиришда унинг айби йўқлигини айтиб, уни оқлашни сўраб кўрсатув берди.

Гувоҳ [REDACTED] суд муҳокамасида, дастлабки терговда берган кўрсатмаларини тасдиқлашини, [REDACTED] туманида жойлашган турли мактаб ва таълим муассасаларида тахминан 35 йилдан буён ишлаб келишини, 2009 йилдан бери [REDACTED] тумани [REDACTED]-умумтаълим мактабида директор лавозимида ишлаб келишини, [REDACTED] ни тахминан 5-6 йилдан буён танишини, [REDACTED] [REDACTED] тумани 12-умумтаълим мактабида директорлик лавозимида ишлаб келишини, [REDACTED] илгари жисмоний тарбия йўналишида дарс бериб келганини билишини, 2018 йилнинг тахминан баҳор ойларида [REDACTED] туманидаги мактаб директорлари [REDACTED] вилояти [REDACTED] шаҳрига малака оширишга борганини, ўша вақтда [REDACTED] уни ҳақоратлаб, шахсиятига тегадиган гапларни айтганини, у бунга қадар [REDACTED] ни сохта диплом билан ишлаб келиши ҳақида эшитганини, лекин ҳеч кимга бу маълумотларни ошкор этмаганини, шундан сўнг [REDACTED] нинг сохта диплом билан ишлаб келаётганлиги ҳақида керакли маълумотларни тўплаганини, чунки жамиятда бундай инсонлар кўпайиши келажакнинг емирилишига олиб келиши мумкин деб ўйлаганини, танишларидан 2002 йилларда [REDACTED] Тошкент вилояти давлат педагогика институтида ўқиб юрган вақтида учинчи ёки тўртинчи курсда ўқишдан хайдалиб кетгани ва кейинчалик сохта дипломни олиб, [REDACTED] жисмоний тарбия фанидан дарс бериб келганини билишини, 2020 йил ёз ойларида “Маърифат” газетасида

“Калаванинг учи қаерда ёхуд [REDACTED] туманида сохта диплом билан ишламоқдами ўқитувчилар” номли мақолани чиқарганидан кейин [REDACTED] туманида яшовчи [REDACTED] исмли аёл у билан боғланиб, [REDACTED] билан битта маҳаллада яшагани учун маълумотларни билишини, [REDACTED] роқ “Маърифат” газетасида чиқарган мақоласини “ [REDACTED] овози” [REDACTED] да ҳам чоп эттирганини, кейинчалик [REDACTED] Тошкент вилоят [REDACTED] лат педагогика институтига бориб, [REDACTED] ўқиган йиллардаги барча маълумотларни текшириб чиққанини, [REDACTED] га тегишли хужжатлар [REDACTED] шаҳрига кўчиб кетганини айтишганини, [REDACTED] номидаги [REDACTED] шаҳридаги ўқув муассасасига хат ташлаб келганини, тахминан 5-6 олти кундан сўнг архивдан керакли хужжатларни олганини, унга кўра [REDACTED] нинг номида бўлган В [REDACTED] рақамли димлом бир вақтнинг ўзида худди шу рақам билан [REDACTED] нинг номига берилганлиги аниқланганини, кейинчалик [REDACTED] ҳам дипломини йўқотиб қўйгани ҳам ўз тасдиғини топмаганини, чунки янги олган дипломининг уст қисмига Дубликат ёзуви йўқлигини, ушбу ҳолатни янада аниқлаштиришлик учун [REDACTED] тумани ИИБга мурожаат қилганида улар томонидан ҳеч қандай иш қилмаганидан сўнг, юқорироққа мурожаат қилишига тўғри келганини, [REDACTED] га қонуний чора кўришни сўрашини, [REDACTED] билан ўртасида ҳеч қандай адоват йўқлигини, у шунчаки ҳақиқатни талаб қилишини, таълим тизимида [REDACTED] га ўхшаган кадрлар ишлашига қаршилигини айтиб кўрсатув берди.

Гувоҳ [REDACTED] суд муҳокамасида, дастлабки терговда берган кўрсатмаларини тасдиқлашини, 1989 йилдан буён [REDACTED] тумани [REDACTED] 3-бўлими, [REDACTED] водий МФЙда оиласи билан бирга яшаб келишини, маҳалласидаги ҳар бир шахсни яхши танишини, маҳалласида яшаб келаётган [REDACTED] 2004 йилда олий ўқув юртидан хайдалганидан хабари борлигини, орадан анча вақт ўтиб, мактабда жисмоний тарбия ўқитувчиси лавозимида ишлаб юрганини билганини, ўша вақтда [REDACTED] ўқишдан четлатилган бўлса қандай қилиб мактабда ўқитувчи бўлиб юргани шубҳа уйғотганини, лекин кейин ўқишга тикланган бўлса керак деб ўйлаганини, [REDACTED] маҳалласидаги 12-сонли мактабга директорлик лавозимида даъвогарлик қилаётганини эшитиб, маҳалла фаоли сифатида [REDACTED] ни мактаб директорлигига қарши бўлганини, чунки [REDACTED] нинг тарбияси жуда бузуқ деб ҳисоблашини, [REDACTED] да муомала маданияти ва шунга ўхшаш раҳбарликка хос хислатлар йўқлигини, 2020 йил 19 сентябрь куни “ [REDACTED] овози” ва “Маърифат” газеталарида [REDACTED] нинг мақоласидан [REDACTED] нинг сохта диплом билан мактаб директори бўлиб юрганини ўқиганини, шундан кейин [REDACTED] билан гаплашиб, [REDACTED] унинг маҳалласида яшашини ва 2004 йилда ўқишдан хайдалганлиги ҳақида айтганида [REDACTED] [REDACTED] нинг ўқиган [REDACTED] давлат педагогика университетидан хужжатлар тўплашини ва уларни тегишли

Protected by PDF Anti-Copy Free
Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark

давлат органларига беришини айтганини, Тошкент давлат университетининг архив бўлимининг ярми [REDACTED] давлат университетига ўтказилганлигини билганини, шунингдек, [REDACTED] га 2004 йил 1 июль куни берилган [REDACTED] дипломнинг ўзида худди шу рақам билан [REDACTED] нинг номига берилганлигини билганини [REDACTED] туманидаги 12-сонли мактаб директор ўринбосари сифатида [REDACTED] 04 йилларда ишлаган [REDACTED] нинг [REDACTED] рақамли диплом билан ишга қабул қилинганлигини ва орадан [REDACTED] йиллар ўтганидан сўнг, [REDACTED] рақамли дипломини олиб келганлиги ҳақида эшитганини, [REDACTED] нингшунча йиллардан буён сохта диплом билан ўқувчиларга дарс бериб келаётганини билганини, [REDACTED] га қонуний чора кўришликни сўрашини, [REDACTED] билан ўртасида ҳеч қандай адоват йўқлигини, маҳаллада маҳалла фаоли бўлгани сабабли адолатсизликка чидаб туrolмаслигини, илгари [REDACTED] тумани ИИБ ходимларига [REDACTED] нинг сохта диплом билан ишлаб юргани ҳақидаги маълумотлар тақдим қилганини айтиб кўрсатув берди.

Гувоҳ [REDACTED] суд муҳокамасида, дастлабки терговда берган кўрсатмаларини тасдиқлашини, 1984 йилдан бери [REDACTED] туманида жойлашган [REDACTED]-умумтаълим мактабида ўқитувчиси сифатида ишлаб келганини, [REDACTED] болалигидан бери танишини, [REDACTED] 2004 йилда Тошкент вилояти давлат педагогика институтини тамомлаб, [REDACTED]-мактабга жисмоний тарбия фанидан ўқитувчи бўлиб келганини, 2009 йил 1 декабрдан [REDACTED]-умумтаълим мактабининг ўқув ишлари бўйича директор ўринбораси бўлиб тайинланганини, шундан кейинги йилларда ўқитувчиларнинг дипломларини молия бўлимига дарс билан таъминлаш учун олиб боришини, ҳар бир ўқитувчининг дипломларини кўравериш, ёд бўлиб кетганини, ўша вақтда [REDACTED] нинг [REDACTED] сонли дипломи бўлганини, 2016 йилда [REDACTED] тумани Молия бўлими томонидан яна дарс тақсимотлари бўлгани сабабли, ўқитувчиларнинг ҳақиқий дипломларини олиб бориш сўралганини, ҳар бир ўқитувчининг дипломининг асл нусхасини олиб келганини, ўша вақтда [REDACTED] бошқа янги диплом олиб келганини, [REDACTED] дан олдинги дипломини сўраганида [REDACTED] уни йўқотиб қўйганлигини, газетага ҳам йўқолганлиги тўғрисида эълон берганлигини кўрсатганини, у барча ўқитувчиларнинг дипломларини молия бўлимига олиб борганини, Молия бўлимидагилар текшириб бўлганидан сўнг, дипломлар ўз эгаларига қайтарилганини, [REDACTED] 2017 йилнинг март ойларида мактабга директор лавозимига тайинланганини, ҳозирги кунга қадар ишлаб келишини, 2018 йилнинг 1 февраль кунидан директор ўринбосари лавозимидан бўшаб, физика фани ўқитувчиси бўлиб ишлаб келганини, директор ўринбосари лавозимида ишлаб келган вақтида ҳеч ким [REDACTED] дипломи сохталиги ҳақида эътироз билдириб келмаганини, 2019-2020 йилларда туман ва шаҳар газеталарида [REDACTED] томонидан чиқарилган мақолаларда [REDACTED] нинг дипломи сохталиги

хақида маълумотларни ўқиб, [REDACTED]нинг дипломи сохталиги хақида шубха уйғонганини, [REDACTED] билан ораларида ҳеч қанда адоват бўлмаганини, [REDACTED]га нисбатан ҳеч қандай эътирози йўқлигини айтиб кўрсатув берди. (Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)

Судланувчи [REDACTED] розилиги билан гувоҳ [REDACTED]нинг кўрсатмалари ўқиб эшиттирилганида, у дастлаб тергов давомида Тошкент вилояти педагогика институтига 20 [REDACTED]да ўқишга қабул қилинганини, Ф-13 сонли гуруҳда ўқиганини, уша вақтда [REDACTED] худудидан яна иккита бола ўқиганини, уларнинг бири [REDACTED] бўлганини, [REDACTED] билан битта гуруҳда Педагогика институтининг жисмоний тарбия ва жисмоний маданият йўналишида ўқиганини, мазкур институтининг 1-3 курсларида [REDACTED] билан бирга ўқиганини, [REDACTED] билан нимагадир тортишиб қолганини, сабабини эслолмаслигини, тахминан 3-курсда ўқиб юрганида [REDACTED] ўқишдан четлатилганини курсдошлардан эшитганини, лекин сабабини билмаслигини, 4-курсда ўқиб юрганида [REDACTED] институтга бир икки келиб кетганлигини кўрганини, гуруҳ куратори [REDACTED] ёши 35-36 ларда бўлган шахс бўлганини айтиб кўрсатма берган.

Судланувчи [REDACTED] розилиги билан гувоҳ [REDACTED]нинг кўрсатмалари ўқиб эшиттирилганида, у дастлабки тергов давомида 2019 йилдан [REDACTED] тумани Халқ таълими бўлимида кадрлар бўйича мутахассис лавозимида ишлаб келишини, хизмат вазифаларига [REDACTED] туманида жойлашган 60 та умумтаълим мактабининг раҳбар ходимларини ишга олиш, ишдан бўшатиш, бўш иш ўринларини аниқлаб, кадрлар билан таъминлаш ва бошқалар киришини, [REDACTED] 2004 йил сентябрь ойидан 2017 йилгача [REDACTED] тумани [REDACTED]-умумий ўрта таълим мактабида жисмоний тарбия ўқитувчиси бўлиб ишлаганини, 2017 йил 07 июнь кунин [REDACTED]-умумий ўрта таълим мактаб директори лавозимида тайинланиб, ишлаб келаётганини, ҳар бир ходим Халқ таълими бўлимига ишга қабул қилинаётган вақтда номзоднинг дипломи асл нусхаси тақдим қилиниши, олийгоҳни битирганлиги тўғрисидаги диплом номзодни ишга олишга асос бўлишини, педагогик фаолият билан шуғулланиш учун дипломи бўлмаганда, у педагогик фаолият билан шуғуллана олмаслигини, [REDACTED] дипломи сохта эканидан хабари йўқлигини, агарда унинг дипломи сохта эканини билганида, шу вақтнинг ўзида уни ишдан бўшатиш чораларини кўрган бўлишини, агар [REDACTED]нинг қўлида дипломи бўлмаса, у педагог сифатида дарс бериш ёки мактабга раҳбарлик қилиш ҳуқуқига эга бўлмаслигини, шу сабабли у ушбу дипломдан ҳозирги кунга қадар фойдаланаётганини, ишлагани учун ойлик маош тўланаётганини, кадр бўлимидаги ҳужжатларга асосан ушбу дипломи билан 2018 йил давомида кунлари [REDACTED] номидаги малака ошириш ва қайта тайёрлаш институтига бориб малака ошириб

Protected by PDF Anti-Copy Free
(Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)

келганини, дипломдан фойдаланиш деганда шахс ўзи йўналиши бўйича тамомлаган дипломи билан ушбу йўналишда ўқувчиларга таълим тарбия беришни, ушбу дипломдан иш фаолияти давомида ҳар куни фойдаланиши, шахс билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда, ушбу муассасада дипломдан фойдаланиши тамомланган деб ҳисоблашини айтиб кўрсатма берган.

Судланувчи [REDACTED] [REDACTED] иги билан гувоҳ [REDACTED] [REDACTED] [REDACTED]нинг кўрсатмалари ўқиб эшиттирилганида, у дастлабки тергов давомида [REDACTED] тумани Халқ таълими бўлими мудирининг ўринбосари лавозимида 2019 йилдан буён ишлаб келишини, 2017 йил январь ойидан то 2018 йил октябрь ойига қадар [REDACTED] тумани Халқ таълими бўлими мудирининг лавозимида ишлаб келганини, ўша вақтда туманда бўшаб қолган мактаб директорининг лавозимига камида 3 нафардан ўқитувчи ходимларнинг номзодини олиб, вилоят халқ таълим бошқармасига тақдим этишини, [REDACTED] [REDACTED] тумани 12-мактабда жисмоний тарбия ўқитувчиси бўлиб ишлаб юрган вақтида собиқ директор халқ таълими бошқармасига ариза билан ишдан бўшаганини, шу мактабнинг уч нафар ўқитувчисининг номзодларини халқ таълими бошқармасига юборганида [REDACTED]нинг номзоди тасдиқланиб, директорликка тайинланганини, [REDACTED]ни номзодини вилоят бошқармасига берган вақтида унинг дипломи сохталиги бўйича ҳеч қандай муаммо келиб чиқмаганини, Халқ таълими бўлими мудирининг лавозимида ишлаган вақтида ўқитувчиларнинг дипломларини текшириш унинг хизмат вазифасига кирмаслигини, ўша вақтлари [REDACTED]нинг дипломи сохталигини билмаганини айтиб кўрсатма берган.

Судланувчи [REDACTED] [REDACTED] розилиги билан гувоҳ [REDACTED] [REDACTED]нинг кўрсатмалари ўқиб эшиттирилганида, у дастлабки тергов давомида 1998 йилда Тошкент вилояти давлат педагогика институтига ишга қабул қилиниб, жисмоний тарбия фанидан дарс берганини, 2000 йилдан 2003 йилгача Ф-13 гуруҳи мураббийи бўлганини, 2003 йилда гуруҳ мураббийлигини [REDACTED]га топширганини, унинг гуруҳида [REDACTED] ўқиганини, [REDACTED] бирон бир қонунбузилиш ҳолати содир этган-этмаганини эслаш олмаслигини, [REDACTED]ни бошланғич курсларида ўқишлари яхши бўлганини, катта курс бўлгани сари ўқишни ташлаб юбориб, дарсларни кўп қолдира бошлаганини, [REDACTED] ҳозирда фойдаланиб келаётган дипломни қандай йўллар билан ва қаердан олганини билмаслигини, 2004 йил 22 январь талабалар сафидан ўчириш ҳақидаги буйруғида, у ўқитган иккита фандан ҳам дарсларни ўзлаштира олмаганлиги учун, баҳосини қўймаганини, бу ҳам [REDACTED]нинг талабалар сафидан ўчирилишга асос бўлганини, 2004 йилда [REDACTED] унинг ёнига келмаганини, [REDACTED]га имтихонларини топшириш учун ёрдам бермаганини, [REDACTED]ни қайта тикланган ёки қайта

тикланмаганлигини билмаслигини, 2004 йилда [REDACTED] ни гуруҳ мураббийи бўлмаганини, Тошкент вилояти Педагогика институтида 2008 йилгача ишлаганини, Тошкент вилояти Педагогика институти 2014 йилда ёпилиб кетганини, талабалар сафидан ўчирилган ўқувчилар, қайси курсда ўчирилган бўлса, шу курсга бир йил ўтганидан сўнг, шу семестрдаги дарсларни тўлиқ ўзлаштирганидан сўнг, институт ректорининг буйруғи билан тикланишини, талабалар сафидан ўчирилган ўқувчилар, талабалар сафидан қайта тикланиш буйруғи бўлмасдан туриб, имтихон топшириш вақтида келиб, имтихонларни топшириб, диплом олиши мумкин эмаслигини айтиб кўрсатма берган.

Судланувчи [REDACTED] розилиги билан гувоҳ [REDACTED]нинг кўрсатмалари ўқиб эшиттирилганида, у дастлабки тергов давомида 2003 йилда Тошкент вилояти Педагогика институтига ишга келиб, жисмоний тарбия фани бўйича дарс берганини, ўша вақтда унга гуруҳ мураббийлиги ҳам бириктирилганини, уни гуруҳида 2003 йилда [REDACTED] исмли талаба бўлган-бўлмаганини эслай олмаслигини, уни институтдан ҳайдалганлигидан хабари йўқлигини, [REDACTED] ҳозирги кунда фойдаланиб келаётган дипломни қандай йўллар билан ва қаердан олганлигини билмаслигини, [REDACTED] ни эслай олмаслигини, шу сабабли [REDACTED] ни фанларни қандай ўзлаштиргани ва хулқи ҳақида бирор бир гап айта олмаслигини, ўқувчиларини ўқиши ёки имтихонларини топширишига ноқонуний ёрдам бермаганини, Ф-13 гуруҳини [REDACTED] дан 2003 йилда қабул қилиб олганини, ушбу гуруҳ 2004 йилда битириб кетганини, Тошкент вилояти Педагогика институтида 2012 йилгача ишлаганини, Тошкент вилояти Педагогика институти 2014 йилда ёпилиб кетганини, талабалар сафидан ўчирилган ўқувчилар, қайси курсда ўчирилган бўлса, шу курсга бир йил ўтганидан сўнг, шу семестрдаги дарсларни тўлиқ ўзлаштирганидан сўнг, институт ректорининг буйруғи билан тикланишини айтиб кўрсатма берган.

Суд давлат айбловчиси ва адвокатнинг фикрларини, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмаларини тинглаб, иш ҳужжатларини таҳлил қилиб, гарчи судланувчилар [REDACTED] айбига қисман иқрор бўлсада, унинг айби гувоҳларнинг кўрсатмаларидан ташқари қуйидагилар, яъни:

- 2021 йилнинг 16 март кундаги Қўқон давлат педагогика институтининг [REDACTED] рақами билан рўйхатга олинган хати билан, унга кўра 2004 йилда Тошкент вилояти давлат педагогика институтининг дипломларни рўйхатга олиш китобида “Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият” таълим йўналиши бўйича [REDACTED] рақами билан рўйхатга олинган [REDACTED] сонли диплом қайд этилмагани, 2004 йилда Тошкент вилояти давлат педагогика институтининг дипломларни қайд этиш китобида [REDACTED] га “Ўзбек филологияси” таълим йўналиши бўйича [REDACTED] рақами билан рўйхатга олинган [REDACTED] диплом берилгани аниқланган (и.в.4-б);

- 2004 йилнинг 1 июлдаги Тошкент вилояти давлат педагогика институти табиёт география факультетининг [REDACTED] сонли буйруғи билан, унга кўра 2004 йилда Ф.43 гуруҳининг 26 нафар талабасига оддий диплом ва 1 нафар талабасига имтиезли диплом бериш кўрсатилган бўлиб, ушбу талабалар орасида [REDACTED] мавжуд эмаслиги аниқланган (и.в.7-);

- 2004 йилнинг 22 январдаги Тошкент вилояти давлат педагогика институти табиёт география факультетининг [REDACTED] сонли буйруғи билан, унга кўра [REDACTED] дарс машғулотларига сурункали қатнашмаганлиги ва баҳорги педагогик маҳорат, иқтисодий назарияси, ижтимоий педагогика, спорт табиий асослари, жисмоний машқ гигиенаси, чет тили, махсус курс, спорт ўйинлари, спорт иншоотлари, СПТ, гимнастика, жисоний тарбия назарияси, ижтимоий психология, СМО фанларидан академик қарздорлиги сабабли талабалар сафидан четлаштирилганлиги аниқланган (и.в.10-12);

- 2021 йилнинг 25 январдаги [REDACTED] шаҳар архивининг маълумотномаси билан, унга кўра Тошкент вилояти давлат педагогика институти томонидан [REDACTED] номига рўйхат рақами 4120, [REDACTED] серияли дубликат диплом учун асос бўладиган ҳужжатлар [REDACTED] шаҳар давлат архиви сақловига келиб тушмаганлиги аниқланган (и.в.13);

Суд дастлабки тергов органи томонидан судланувчи [REDACTED] нинг “такроран бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган сохталаштирувчининг ўзи фойдаланиши мақсадида муайян ҳуқуқ берадиган расмий ҳужжатлар тайёрлаши ва расмий ҳужжатларни қалбакилаштириш”да ифодаланган ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “а”, “б” бандлари билан, “ҳужжатнинг қалбаки эканлигини била туриб, ундан фойдаланиш”да ифодаланган ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 3-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 228-моддаси диспозициясига кўра мазкур моддада назарда тутилган жиноят содир қилиш пайти жиноят тамомланган пайт деб ҳисобланади. Чунки жиноят қонуни мазкур ҳаракатларни жиноий оқибат келиб чиқиши билан боғламаган, яъни жиноий оқибат келиб чиқиши жиноят таркибининг зарурий белгиси ҳисобланмайди. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 13-моддасига кўра қилмишнинг жиноийлиги ва жазога сазоворлиги ана шу қилмиш содир этилган вақтда амалда бўлган қонун билан белгиланиши, агар Жиноят кодекси моддасида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир қилиш пайти жиноят тамомланган пайт деб ҳисобланган бўлса, ижтимоий хавfli қилмиш бажарилган пайт жиноят содир қилинган вақт деб топилиши, агарда Жиноят кодекси моддасида жиноий оқибат юз бериши билан жиноят

тамом бўлган деб ҳисобланган бўлса, жиноий оқибат юз берган пайт жиноят содир этиш вақти деб топилши кўрсатилган.

Судланувчи [REDACTED] томонидан содир этилган Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 3-қисмида назарда тутилган жиноят давомли жиноят ҳисобланмайди. Чунки Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 33-моддаси 3-қисмида давомли жиноят деганда умумий қасд билан қамраб олинган ва [REDACTED] мақсадга йўналтирилган бир жиноят таркибини ташкил қилувчи [REDACTED] бирига ўхшаш *бир неча жиноий қилмишлардан* иборат бўлган жиноят тушунилади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 5 майдаги 13-сонли “Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида”ги Қарорининг 4-банди мазмунига кўра давомли жиноят деганда бир қатор айнан ўхшаш хатти-ҳаракатлар билан *турли вақтларда* содир этилган бўлса-да, бироқ ягона қасд билан қамраб олинган, объекти ва содир этиш усули, оқибатлари бир хиллиги жиҳатидан ўзаро ўхшаш жиноят тушунилади. Яъни давомли турли вақтларда содир этилган бир неча жиноий қилмишлардан иборат бўлиши кўзда тутилган. Судланувчи [REDACTED] томонидан содир этилган Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 3-қисмида назарда тутилган жиноятда ЖК 33-моддасида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 5 майдаги 13-сонли Қарорида назарда тутилган зарурий белгилар мавжуд эмас.

Бундан ташқари судланувчи [REDACTED] томонидан содир этилган жиноят узоққа чўзилган жиноят ҳам ҳисобланмайди. Чунки Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 33-моддаси 4-қисми мазмунига кўра узоққа чўзилган жиноят деганда вазифаларини узоқ вақт мобайнида бажармасликдан иборат бўлиб, бир жиноятнинг узлуксиз таркибини ташкил қилган жиноят узоққа чўзилган жиноят ҳисобланади. Судланувчи [REDACTED] томонидан содир этилган Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 3-қисмида назарда тутилган жиноятда вазифаларини узоқ вақт мобайнида бажармаслик билан боғлиқ ҳолатлар мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 23-моддасининг 3-қисмида, айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши, қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши кераклиги кўрсатилган.

Бундан ташқари иш ҳужжатларида, тергов органи томонидан шахсини аниқлашни имкони бўлмаган ва бевосита жиноятни содир қилган шахсларнинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 1-қисмининг 1-бандига асосан тугатилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 64-моддаси 1-қисмида агар жиноят содир этилган кундан қуйидаги муддатлар: А) ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этилган кундан бошлаб-икки йил ўтган бўлса, Б) унча оғир бўлмаган жиноят содир этилган кундан бошлаб- тўрт йил ўтган бўлса - шахс жавобгарликдан озод қилиниши; 2-қисмида жавобгарликка

тортиш муддати жиноят содир этилган кундан бошлаб ҳукм қонуний кучга кирган кунгача ҳисобланиши: 4-қисмида. Агар оғир ёки ўта оғир жиноят содир этган шахс ушбу моддада назарда тутилган муддатлар ўтмасдан қасдан янги жиноят содир этилган муддатнинг ўзини қўлади. Бундай ҳолда жавобгарликка тортиш муддатлари янги жиноят содир этилган кундан бошлаб ҳисобланади. Қолган ҳолларда, агар шахс жавобгарликка тортиш муддатлари ўтмасдан янги жиноят содир этса, бу муддатлар ҳар бир жиноят учун алоҳида ҳисобланади ва қўшиб кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг ЖПК 84-моддаси 1-қисмининг 1-бандида шахсни жавобгарликка тортиш муддати ўтган бўлса, шахснинг жиноят содир этилишида айблилиги тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб, жиноят иши тугатилиши лозимлиги белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 463-моддаси 3-қисмида суд қуйидаги ҳолларда жазо тайинламасдан айблов ҳукми чиқаради, башарти 2) мазкур жиноят учун айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш муддати ўтиб кетган бўлса деб кўрсатиб ўтилган.

Шу сабабли, суд, юқоридаги қонун талабларига риоя қилиб, [REDACTED] ни қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига асосланган ҳолда, судланувчи [REDACTED] га нисбатан юритилган жиноят ишини Ўзбекистон Республикаси ЖК 64-моддаси 1-қисмининг "а" ва "б" бандлари талабларидан келиб чиқиб, унга нисбатан ЖК 228-моддаси 2-қисмининг "а", "б" бандлари ва 228-моддасининг 3-қисми билан юритилган жиноят ишини ЖПК 84-моддаси 1-қисмининг 1-бандига кўра, жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 463-моддаси 3-қисмининг 2-бандига асосан жазо тайинламасдан айблов ҳукми чиқаришни, Ўзбекистон Республикаси ЖК 64-моддаси 1-қисми "б" бандига асосан жавобгарликка тортиш муддати ўтганлиги сабабли жиноий жавобгарликдан озод қилишни ва унга нисбатан юритилган жиноят ишини иш юритишдан тугатишни, унга нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилишни лозим деб топади.

Суд ашёвий далил масаласини муҳокама қилиб, ашёвий далил деб эътироф этилган [REDACTED] номига берилган Тошкент вилояти давлат педагогика институтининг 06.06.2014 йилдаги [REDACTED] рақам билан рўйхатга олинган [REDACTED] серия рақамли бакалавр дипломи иш учун аҳамиятли бўлганлиги сабабли жиноят иши билан бирга сақлашни лозим деб топади.

Суд, юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 64-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 84, 454-457, 460, 462-463, 471-473-моддаларини қўллаб,

Ҳ У К М Қ И Л А Д И :

Судланувчи [REDACTED]

[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 228-моддаси

2-қисмининг “б” банди ва 228-моддаси 3-қисми билан айбдор деб топилсин.

Судланувчи [Redacted] ни Ўзбекистон Республикаси ЖК 228-Моддаси 2-қисмининг “б” банди ва 228-моддаси 3-қисми билан Ўзбекистон Республикаси ЖК 64-моддаси 1-қисми “а” ва “б” бандларига асосан жавобгарлик тўғрисида тўрттиш муддати ўтганлиги сабабли жавобгарликдан озод қилинсин.

Ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг [Redacted] га нисбатан қўлланилган “гаров” эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва гаров қўювчи [Redacted] томонидан гаровга қўйилган 1 (бир) дона “Spark” русумли, давлат белгиси [Redacted] бўлган автомашина тилхат орқали ўзига топширилганлиги инобатга олинсин.

Ашөвий далил деб эътироф этилган [Redacted] номига берилган Тошкент вилояти давлат педагогика институтининг 06.06.2014 йилдаги [Redacted] билан рўйхатга олинган [Redacted] серия рақамли дубликат бакалавр дипломи иш учун аҳамиятли бўлганлиги сабабли жиноят иши билан бирга сақлансин.

Ҳукмдан норози томон ҳукм эълон қилинган кундан сўнг 20 сутка муддат ичида, судланган шахс эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб 20 сутка ичида шу суд орқали [Redacted] вилояти суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясига апелляция шикоят иши ёки апелляция протести келтириш ҳуқуқига эгадирлар.

Раислик қилувчи :

Ф.А.Закиров

Аслига тўғри